

UZBEKISTON
 JAMHURIYATI
 MINISTIRLIK
 INY. M

Она юртинг-олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 9 (66238)
 2000 йил 2 март.

Сотувда эркин нархда

МАКТАБ ОБРЎСИНИ КИМ ОШИРАДИ?

Албатта ўқувчи, деймиз. Тўғри-да, агар ўқувчи одобли, билимли бўлса мактабнинг обрўси ўқитувчининг обрўси. Бу борада фан олимпиадалари катта роль ўйнайди. Шуниси ачинарлики, баъзи мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида туман миқёсига ҳам чиқиша олмайди.

Бизнинг мактабда эса туман, вилоят шаънини оқлаётган мактабдошларимдан 10-синф ўқувчиси Машхура Орипова немис тилидан, Фарруҳ Саидқосимов кимёдан, Комил Акбаровлар биологиядан яхши натижаларга эришадилар, деб умид қиламиз. Чунки биздан олдинги ака-опаларимиз ҳамиша яхши ютуқларга эришганлар. Бунда албатта устозларнинг ўрни беқиёсдир.

Зуфар МИРЗАЕВ,
 Жиззах вилояти, Фориш туманидаги Абу Райҳон Беруний номли 18-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси.



БИЗНИНГ КОМАНДА

Бизнинг синфимизда 28 та ўқувчи бор. Уларнинг 13 таси ўғил болалар. Яқинда «Соғлом авлод» йилига бағишлаб мактабимизда футбол биринчилиги бўлиб ўтди. Бу мусобақада бизнинг синфимиз голиб, деб топилди ва мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Синфимиз болалари яхши ўйин кўрсатишиб, келажакда алоҳида футбол командаси тузиб, Ватанимиз шаънини сидқидилдан химоя қилишмоқчи.

Муқаддас ДАМИНОВА,
 Фарғона вилояти,
 Й. Охунбобоев туманидаги
 9-мактабнинг
 11-«А» синф ўқувчиси.

КЕЛИБ ТУРИНГ, АМАКИ

Кейинги йилларда мактабимиз биноси ҳам, ён-атрофи ҳам янада гуллаб яшнади. Урушда бедарак кетганларга қўйилган ёдгорлик супаси гулларга буркалди. Ҳамма яхши нарсалар болаларга бўлсин, дейдиган Бухоро технология олийгоҳининг ректори Муҳиддин Тошев бизга ҳомийлик қилиб, яхши ишларга бош-қош бўлдилар. Улар шунингдек мактабимизнинг Навоий ва адабиёт залларини ҳам замон талабига мослаб ясатиб бердилар.

Биз шундай чиройли бинода билим олаётганимиздан фахрланамиз ва албатта саҳий амакиларга раҳмат деймиз.

Моҳигул ЁДГОРОВА,
 Бухоро вилояти,
 Гиждувон туманидаги
 24-мактабнинг 10-«А» синф ўқувчиси.



ҚУТЛОВ

Биз синфимиз бўйича «Тонг юлдузи»га обуна бўлишга аҳд қилдик. Чунки сеvimли газетамизга нима ёзсак дарров чиқариб беришади. Унда берилаётган мақола ва ҳикоялар, бошқотирмалар, турли фанларга оид савол-жавоблар бўш вақтларимизни бекор ўтказмасликка ундайди.

Фурсатдан фойдаланиб, газетада фаолият кўрсатаётган журналист опажонларимизни келатган аёллар байрами билан табриклаймиз. Газета саҳифалари янада қизиқарли бўлиб чиқиши учун Сизларга яхши кайфият ёр бўлсин, деймиз.

Малика ҲИДИРОВА,
 Тошкент шаҳар, С. Раҳимов туманидаги
 22-мактабнинг
 7-«Е» синф ўқувчилари номидан.

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги Себустон қишлоғида жойлашган 70-мактабда таҳсил олаётган ўқувчилар навбатчи бўлишга юраклари дов бермай туради. Чунки навбатчилар йилнинг совуқ кунларида дарсада ўтириш ўрнига тарашадек қотиб, тараша қилиш билан банд бўлишади. Ахир, синфлар исимаса нима қилиш керак? Аҳвол шундай кетаверса «Соғлом авлод» йилида соғлом билимга қандай эга бўлишаркин-а, улар?

Жамшид БЕК.



ЛОБАР-«ОЛАПАР»



Синфимизда Лобар деган дилзор киз бор. Каттани катта демайди, кичикни кичик. У ҳатто автобусда кетаётиб ҳам ҳамма билан уришиб кетади. Синфга келгач,

ўзидан ўзи бизларга ҳам бақириб кетади. Бир куни у синфдошимиз билан уришиб, уни сочларини юлиб, тишлаб олди. Ажратмоқчи бўлгандик бизни ҳам тишлаб олди. Шу вақт синф раҳбаримиз келиб қолди. Уларга ҳам беҳурматларча бақира кетди. Шундан кейин унга «Олапар» деб лақаб қўйдик. Тўғри, бу ишимиз нотўғри. Лекин унинг қилган иши ҳаммамизни ранжитди-да.

ШАҲНОЗА ва унинг дугоналари,
 Тошкент вилояти,
 Қибрай тумани,
 8-синф ўқувчилари.

Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 74-ўрта мактабда кечагина шу мактабни битирган «муаллимча»лар сони кўпайиб бормоқда. Ҳали ҳаётга тажриба ва билим бериш кўникмасига эга бўлмаган бу «катталар»дан сабоқ олган болакайлар қандай қилиб катта ҳаётга тайёрланишаётган экан, деб қизиқсангиз, нафақат 74-мактабга балки вилоятдаги истаган мактабнингизга келиб, керакли маълумотни олишингиз мумкин.

Носир БОЙМИРЗАЕВ,
 ЎзМУ талабаси.

МАҲАЛЛАДА СОҒЛОМ МУҲИТ, МАКТАБДА СОҒЛОМ АВЛОД

Маҳалла! Гарчанд оддий сўз бўлса-да, олам-олам маъно мужассам бунда. Биз ахир маҳаллада туғиламиз, ўсамиз, вояга етамиз. Тенгдош, тенгқур дўстлар орттирамыз. Маҳалладошлар билан доим ғамли онларда ҳам, шодлик дамларида ҳам бирга бўламиз.

Ҳар бир инсон маҳалла дея аталган гўшада яшар экан, албатта унинг ўтмишини, қадриятларини, ота-боболарининг ким эканлигини билмоғи керак. Пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбобоев номли «Ёш томошабинлар» театри биносида «Маҳаллада соғлом муҳит, мактабда соғлом авлод», деб номланган кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 5 та туман маҳалла болалари қатнашдилар. Акмал Икромов туманидан «Катта Қаъни» гуруҳи, Миробод туманидан «Сариқўл» гуруҳи, Сергели туманидан «Иттифоқ» гуруҳи, Шайхонтоҳур туманидан «Лабзак» гуруҳи, Юнусо-



бод туманидан «Отчопар» гуруҳи. Шунингдек, танловда ёш хонанда Илҳомжон Фармонов ҳам ўз кўшиқлари билан меҳмонлар ва қатнашувчилар дилини шодликка тўлдирди.

Қатнашчиларнинг барчаси кўрик-танловга шу даражада пухта тайёргарлик кўришгандики, ҳайъат аъзолари голиб гуруҳни аниқлашда анча бош қотиришларига тўғри келди. Тортишувлардан сўнг 1-ўрин Шайхонтоҳур туманининг «Лабзак» гуруҳига, 2-ўрин Акмал Икромов туманининг «Катта Қаъни» гуруҳига берилди. Гуруҳ иштирокчиларига турли хил совғалар топширилди.

Кўрик-танлов қатнашчиларидан бири:

Ирмоқлардан бошланар дарё,
Дарё надур ирмоқ бўлмаса, -деб шеър айтди.

Ўзбекистонимизни кўркам дарёга қиёслаб, ҳар бир маҳалла шу дарёнинг тўлиб-тошиб, тинч оқишида фаолият кўрсатишини кўз олдимизга келтириб, барчамиз бирдек таъсирландик.

БУВИМНИНГ ҲИССАСИ

Оила ҳар бир инсон учун муқаддас даргоҳ. Ҳар биримиз мана шу даргоҳда туғиламиз, ўсамиз, вояга етамиз. Келинг, оилани жажжи бир саройга қиёс қилайлик-а? Ҳар бир саройда подшоҳ, вазир бўлганидек, бизнинг оилада отам подшоҳ, онам вазир, бизлар эса уламолармиз, десам муболага бўлмайди. Мен оиламизни бахтли оилалардан бири, деб ҳисоблайман.

Албатта бахтли ва мустаҳкам оила бўлишимиз учун бувимнинг меҳнатлари катта, деб ўйлайман. Чунки энг аввало онам шу оилага оппоқ либосда, ширин ниятлар ила остонага қадам қўйиб кириб келганларида бувим: «Хуш келибсиз, қизим, жоним болам, бахтли бўлинг», деб қарши олган эканлар. Қаранг-а, ўша кунданоқ келиним эмас,

қизим деб атаган эканлар. Раҳматли бувим ва бувам яхшиларини ошириб, ёмонларини яшириб, панду насиҳатларни бериб шу оиланинг бахтли бўлиши учун жуда катта меҳнат қилганлар. Илоҳим Оллоҳнинг ўзи раҳматига олган бўлсин.

Мен шу оиланинг бахтли бўлишида онамнинг меҳнатларини ҳам улуғ баҳолайман. Чунки қайнона - қайноталарини иззат ва ҳурмат қилиб, уй юмушларидан тортиб, бола боқишлари, қолаверса отамни ишга кузатиб, кутиб олишлари, ҳамма-ҳамма ишларни аъло даражада бажарганлар ва ҳозир ҳам бажариб келмоқдалар.

Менинг қулоғим остида ҳамон бувим насиҳатлари жаранглайди: «Болам, агар сен бахтли, мустаҳкам оила қуришни истасанг, онангга ҳавас қил. Ҳозирданоқ нимаики иш бўлса, онангдан ўрган», деган насиҳатлар қилардилар. Қулоғингга зиракдек тақиб олгин, дердилар. Мана ҳозир ёшим 16 да. Ҳадемай мус-

тақил ҳаётга қадам қўяман. Мустақил оила кураман. Мен ҳозирданоқ ният қиламан, у ҳам бўлса, ота-онамдек бахтли оила қуришу, худди онам сингари қўли гул, дили пок аёл бўлишни ният қиламан.

Сиз ҳам ширин ниятлар қилинг.

Адолат ФАЙЗИЕВА,

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 203-мактабнинг 11-«А» синф ўқувчиси.



Ҳар бир инсон ўқиб-ўрганишни жуда хоҳлайди. Лекин бунинг уддасидан ҳамма ҳам чиқавермайди. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида

«Ўқиш жафоли-кети вафоли», деган гап беркорга юрмайди.

Бугунги суҳбатдошим билим чўққиларини забт этаётган устоз, физика-математика фанлари номзоди, халқ таълими аълочиси, 8-11 -синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслигининг муаллифларидан бири, Республика Таълим марказида «Информатика ва ахборот банки» бўлими бошлиғи Баҳодир ака Болтаев бўладилар.

- Республика Таълим маркази Таълим Концепцияси, Миллий дастур ва Давлат Таълим Стандартлари асосида синалган ва ижобий натижалар берган ўқув дастурлари, дарсликлар, услубий қўлланмалар, тавсия ва режалар тайёрлаб, нашрга тавсия этади. Таълимнинг тараққиёт мезони ва истиқболлини белгилайди.

Республика Таълим маркази ихтирочи ва ижодкор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиб, уларнинг энг яхшиларини таълим тизимига жорий этади. Бугунги кунда марказда 30 та илмий-услубий кенгаш бўлиб, ИМКнинг фан йўналишларида уч академик, 51 нафар профес-

ЎҚИШ ЖАФОЛИ - КЕТИ ВАФОЛИ

сор, 44 та фан доктори, 110 та фан номзоди ижодий фаолият олиб бормоқда. Марказимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тарихи музейи 1993 йил ноябрь ойида ўз ишини бошлаган. Бу маърифат маскани ўқувчиларимизда Ватанга садоқат, халқ ишига бўлган меҳр муҳаббатни янада уйғунлаштириш ишига хизмат қилади.

Республика Таълим марказида анъанавий «Ўзбек тили анжуманлари», «Август кенгашлари» ўтказилади. Илғор педогогик тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Республика миқёсидаги семинарлар, кўшма ҳайъат мажлислари ўтказилади. Муаллифларни рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши дарслиги, ўқув адабиёти муаллифи» Республика кўрик танлови ўтказилади. Шунингдек, ўқувчи-талабалар ўртасида ўқув фанлари бўйича Республика олимпиадаларини, мутахассисликка оид йил ўқитувчиси кўрик танловларини ташкил қилади ва ўтказилади.

Шу кунгача мактабларда олимпиаданинг уч босқичи - мактаб, туман, вилоят бўйича ўтказилди. Шу йилнинг 27 март кунини Республика олимпиадаси ўтказилади. Ҳар бир вилоятдан турли фанлар бўйича 15-20 нафар ўқувчи ўз билимини синайди. Унда 245 та

ўқувчи иштирок этади. Шундан 20 нафари кўзи ожиз ўқувчилардир. Бу иштирокчиларнинг энг юқори бали 76 дан кам бўлмадлиги керак. 100 балл олган ўқувчига биринчи ўрин насиб этади. Биринчи, иккинчи, учинчи ўрин олган аниқтидорли болалар олий ўқув юртларига тўғридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ҳайъат аъзоларига келсак, улар Республика-миздаги таниқли олимлар, тажрибали ўқитувчилар, методистлардир.

Вақт олий ҳакам. Республика олимпиадаси иқтидорли ўқувчилар орасидан энг ва энг иқтидорлиларини ажратиб беради. Бу йилги билим синовларида ҳар бир иштирокчига голиблик насиб этсин. Уларга ҳаммаша соғлом фикр, илм олиш йўлида сабр-бардош тилайман.

Баҳодир ака билан суҳбатлашган куним уларнинг 50 ёшлик юбилейлари экан. 50 йил. Бу даврда қилинган ишлар сарҳисоб бўлади. Меҳнатига яраша албатта жавоб олади. Ўша кунини Баҳодир ака Болтаевга Халқ таълими вазирлигининг «Қори Ниёзий» номли медали топширилди.

Фурсатдан фойдаланиб устозга соғлиқ-саломатлик, омонлик ва ҳотиржамлик тилаймиз.

Феруза Одилова.

Устозга раҳмат



Яқинда онам касал бўлиб қолдилар. Шифокорлар анчагина доридармонлар ёзиб беришибди. Аммо онам бу ҳақда дадамга айтмадилар. Кун бўйи юмуш билан бандлар, тўртта укам ва эмизикли синглим бор. Ўзим

7-синфда ўқийман. Уйимизда газ йўқ. Иложига борича ўқишдан барвақтроқ келиб уй ишларига ёрдамлашаман. Онамга: «Нега касаллигингизни дадамга айтмайсиз?»; десам, «Кўявер, тузалиб қоларман, даданга ҳам қийин», дейдилар. Ҳайронман, дадам хусусий дўкон очганлар, ҳар ҳолда савдо бўлиб туради.

Ўтган куни беҳосдан суҳбатларини эшитиб қолдим, дадамдан нафратланиб кетдим. Тушунишимча, дадам аямдан яширинча уйланган эканлар. «Агар касал бўлсанг даволан, бўлмаса ўз ҳолимга қўй, С.никига бораман», - деганларини эшитиб музлаб кетдим. Бу С. холани, унинг икки боласини танийман. Чиройли кийиниб юришади. Демак, дадам уларни биздан ортиқ кўрарканлар-да! Айбимиз нима? Ахир, шу пулларга аямни даволатсалар бўлмайди? Юрагим тўлиб кетиб, энг яқин устозим - синф раҳбаримизга ҳаммасини айтиб бердим. «Кўявер, қизим, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деб уйимизга келдилар ва аямга: «Қизингиз аёло ўқигани учун мактаб маъмурияти пул мукофоти ажратди», деб пул ташлаб кетдилар. Аям пул учун эмас «менга берилган мукофот» учун суюниб кетдилар. Мана шу ёлгон аямни бироз даволади. Севимли газетам орқали меҳри дарё устозим Жалол акага узоқ умр, саломатлик, дадамга эса инсоф тилайман.

Сирдарёлик муҳлисингиз Раъно.



ОРЗУЛАРИМ НАҲОТКИ САРОБ?

Бу йил мактабни битириб, катта ҳаёт сари мустақил қадам ташлайман. Қандай қилиб дейсизми? Имтиҳонларни аёло баҳоларга топширганмидан сўнг, орзуларимни рўёбга чиқиши учун ҳаракат қиламан. Ёшлигимдан кўп касал бўлганим учунми, шифокор бўлишга аҳд қилган эдим. Шунинг учун ҳужжатларимни Тошкент Давлат тиббиёт Олийгоҳига топширишни ният қилдим. Лекин...

Ҳамма гап ана шу лекинда. Нимагадир қишлоғимиз одамлари (ҳаммаси эмас) шаҳарда ўқиб келган қизларга бошқача қарашади. Уларнинг фикрича, қизлар шаҳарга бориб юз-кўзлари очилиб кетармиш. Бунинг тарбияларига ҳам таъсири катта экан. Дадамларнинг гапларига қараганда, қиз боланинг ўқиши унчалик шарт эмас экан. Қиз бола аввало уй ишларини, пазандачиликни, тикиш-бичишни қойиллатиши зарурмиш. Тўғри, мен ҳам дадамнинг фикрларига қўшиламан. Аммо, қизлардан ҳам Нодира, Увайсий, Анбар Отин, Зулфия каби оқила шоирларимиз етишиб чиққан-ку. Улар бундай мавқега тинимсиз ўқиш, изланиш, иқтидори орқали эришганлар-ку. Ҳамма гап қизларнинг ўзига тўғри бўлишида. Дадамга бу гапларимни айтсам: «Сен нимани ҳам тушунардинг, яхшиси уй-рўзгор ишларини ўрган», дедилар. Ойимга эса: «Қизинг бу йил мактабни тамомлайди, тўй ҳаракатларини, саруполарни тахт қилавер», - деганларини ўз қулоғим билан эшитиб қолдим. Нима учун? Мен ҳали ёшман-ку. Қолаверса, орзуларим нима бўлади? Наҳотки, орзуларим рўёбини фақат тушларимда кўрсам?

Менга қандай маслаҳат берасиз, дугоналар? Бухоролик М.

АЙБДОР ЖАЗОЛАНДИ

Синф раҳбаримиз огоҳлантиришларига қарамай, синфда бир-биримизга копток отаётганим, бирдан копток ойнага тегиб кетди. Ойна чил-чил синди. Кўрқиб кетганимиздан нима қилишимизни билмай қолдик.

Асосий айбдор мен бўлганим учун дарс бошлангунча ойнани жойига қўймасам, нақд балога қоламан. Уйга югурдим, аксига олгандай уйда ҳам ҳеч ким йўқ. Ўйлай-ўйлай жавонимизнинг катта ойнасини олиб, мактабга олиб келдим. Ойна жуда қалин бўлгани учун кеса олмадик. Нодир ойнани кўтариб қўяётган эди, беҳосдан қўлидан тушириб юборди. Нодир эса парвойи фалак: «Юр, тарих хонасининг ойнасини опкеб қўямиз, ким билиб ўтирибди», - деб қолди. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ойнани ўғирлаб келиб, айбимизни ёпдик.

Кечқурун ойим жавоннинг ойнасини йўқлигидан ажабландилар. Тўғриси айтишга қўрқиб, билмайман, дедим. Ойим беғуноҳ акамни урушдилар.

Эртаси куни тарих ўқитувчиси йўқолган ойна учун ўша синф ўқувчиси Ботирни урушдилар. Ботир уйдан ойна олиб келди. Тасодифни қарангки, ўша ойна омонат қўйилган экан, устимга тушиб кетди ва қўлимни кесиб юборди. Барибир айбдор ўз жазосини олишига шунда иқрор бўлдим.

Устоз, мактабдошларим, акажон! Мени кечиринглар, айбимга яраша жазоландим.

Жавлон.

Хоразм вилояти, Шовот тумани.



ҚИЗЛАР, ОЙИНГИЗ УЗУГИНИ ТАҚМАНГ

001 Синфимизда яқинда фаройиб воқеа содир бўлди. Танафусда Комил ўғил болаларни тўплади-да, қизларни синфдан чиқиб туришларини илтимос қилди. Қизлар ташқарига чиқиб кетишди. Комил ўзи шўх бўлсада, ҳамма фанлардан бешга ўқийди. У: «Мана, байрам ҳам яқинлашиб қолди. Синф раҳбаримиз Моҳира опага ва синфдош қизларга нима совға қиламиз?», - дея ўртага савол ташлади. Кимдир гул, кимдир расмли откритка, яна кимдир эса китоб дейишди. Шу ҳақда маслаҳатлашиб тургандик, қизлар чувиллашиб хонага бирин-кетин кириб кела бошлашди. Синфдошим Наргизанинг ранги оппоқ. Кира солиб сумкасини титкилай кетди. Сўнг парта устини, ерларни шоша-пиша қарай бошлади. Қизлар атрофини ўраб олишган. Наргиза бирдан: «Ойимнинг тилла узукларини тақиб келган эдим, қўлимдан тушиб қолибди», - деб йиғлаб



юборди. Ҳаммамиз синфни қидира кетдик. Шунда Наргиза: «Комил, илтимос, узукни топиб олган бўлсанг қайтар, ойимдан роса кўрқаман. Ўзимнинг онам бўлганларида-ку...» деб яна йиғлай бошлади. Ҳаммамиз ҳайрон бўлганча Комил билан Наргизага қараб қолдик. Комил бўлса: «Жиннимисан, узугингни бошимга ураманми?», - дея жаҳл билан синф-

дан чиқиб кетди.

Наргизанинг ойиси билмаслиги учун ўғил болалар пул йиғи бошладик. Саккиз кунда узукка етадиган пул йиғиб, Наргизага бердик. Пулни зўрға олиб, секингина раҳмат, деб қўйди. Лекин, Комил ўғил болалар ичида бошини кўтаролмай қолди.

Орадан уч кун ўтиб, Наргиза пулни Комилга қайтариб берди. Нима эмиш, узуги сумкасининг тагига тушиб кетганмиш.

Эҳ, қизлар, қизлар! Билмай туриб нега тухмат қиласиз? Арзимаган бир сўз билан йигитлик гурурини поймол қилишини наҳотки билмасангиз!

(Айрим сабабларга кўра исмларни ўзгартириб ёздим) Тошкент шаҳри,

Умид АХМЕДОВ.

ГУЛЮЗ тайёрлади.

ЗУЛФИЯ ИСМЛИ ҚИЗЛАРГА

Улуғ шоирадан шеър, дoston қолди,
Қолди ўчмас бўлиб ёрқин излари.
Юрагимга яна умидлар солди,
Зулфия исмли юртим қизлари.

Денгиз каби теран, маъноли эди,
Улуғ шоиранинг ўйчан кўзлари.
Шу ўйчан кўзларни сизларда кўрдим,
Зулфия исмли юртим қизлари.



Улуғ шоирага насиблар этмиш,
Турфа элатларнинг нон-у тузлари.
Сизларнинг номингиз дунёни тутмиш,
Зулфия исмли юртим қизлари.

Кўз олдимдан нари кетмайди сира,
Улуғ шоиранинг нурли юзлари.
Шу юзлар жилвасин кўрдим сизларда,
Зулфия исмли юртим қизлари.

Мангуга акс-садо берар дилларда,
Улуғ шоиранинг жаранг сўзлари.
Достонлар бўларсиз сиз ҳам тилларда,
Зулфия исмли юртим қизлари.

Туроб НИЁЗ

УСТОЗ - ОЙ, ШОГИРДГА ЧИРОЙ

Оддий ишчидан тортиб, замонамизнинг буюк зотлари бўлган алломалару, зиёлиларнинг ҳам ўз устозлари бўлади. Ана шуларни ўйлаганимда, беихтиёр хаёлимни устозимнинг айтган сўзлари узоқ-узоқларга олиб кетади. Устозим Бекпошша опа қанчалар чиройли, ифодали шеър ўқимасинлар баъзида бизга эшиттириб: «Мана мен ўзим кўп йиллик устозман, лекин менга тарбия берган, адабиётнинг сеҳрли оламида сайр эттирган, мен учун азиз ва муътабар устозим ёдимга тушади. Ана шунда ўз-ўзимга савол бераман. Мен ҳам ўша устозларим каби шеърни ифодали ўқий олдимми? Ўтган умрим давомида шогирдлар қалбига тўғри йўл топа олдимми?», - деб такрор-такрор айтадилар. Устозим Уллиева Бекпошша опанинг бу гапларини кўп бора эшитганман. Устозим Бекпошша опа уйғотаётган ҳар бир фикр, туйгулар устоз бўлишдек муқаддас касб эгаси бўлишга ҳавасимни яна ҳам орттиряпти. Улар мендаги шу касбга бўлган қизиқишимга бe-фарқ қарамай, доимо мактабимизда ўтказилаётган турли хил тадбирларда фаол иштирок этишимга ундайдилар. Айниқса синфимизда ва мактабимизда ўтказиладиган барча тадбирларда менга катта ишонч ва умид билан қарайдилар.

Ўтган йили «Аёллар йили» муносабати билан Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов томонларидан «Зулфия» номли Давлат мукофоти таъсис этилди. Шу муносабат билан мактабимизда «Зулфияхоним-эл севган шоира» мавзусида поэзия кечаси ўтказилди. Кечага шоира Зулфияхоним шогирдлари Муҳтарам Улугова ташриф буюрдилар. Ана шу кечада мен Зулфияхонимнинг «Баҳор келди сени сўроқлаб...» шеърини ниҳоятда бир ажиб ҳис

билан ўқишга муяссар бўлдим. Бунда албатта устозим менга жуда катта ёрдам бердилар.

Ҳозирги кунда устозимнинг шогирдлари катта-катта олийгоҳларда таълим беришяпти. Қани энди, мен ҳам устозимнинг ана шу шогирдларига ўхшасам...

Мени ҳозирданоқ адабиётга меҳр қўйишга, уни севиб ўрганишга ундаётган азиз устозим Бекпошша опага Оллоҳдан соғлик-саломатлик, мактабимиздаги барча устозларга келгуси ишларида ривож, муваффақиятлар тилайман.

Комила ЖАЛОЛОВА,
Юнусобод туманидаги
258-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

**YURTIM**

Ey aziz yurtim
Durdona yurtim
Quyoshing porloq
Mardona yurtim
Mustaqil, hursan
Yagonadursan
Dunyolar ichra
Bir donadursan
Quchog'ingda biz
Yayrab o'samiz
Birlashsak agar
Yovni to'samiz
Ishon bizlarga
Biz yulduzlarga
Yurtiga sodiq-
O'g'il-qizlarga!

ILMDA MADADKORIM

Bilimga kon ustozim
Qo'ldayayrgan sozim
Chin yurakda e'zozim
Sizga ta'zim, ming ta'zim

Sizsiz bo'ston bo'lmagay
Qo'shiq doston bo'lmagay
Qalbga ziyo to'lmagay
Sizga ta'zin, ming ta'zim.
Sizga bo'lsin ash'olarim



Yurakda neki borim
Ilmda madadkorim
Sizga ta'zim, ming ta'zim.

BUVIMGA

Oq sochingizni
O'zi bir hikmat
Sabog'ingizdir
Kattaga hurmat
Sizdan o'rgandik
Uvol-savobni
Do'stu-dushmanga
To'g'ri javobni.
Duoingizda
Yurtning kamoli
Esmasin deysiz
Hatar shamoli.
Oppoq jaynomoz
Doim sajdagoh
Vatandir deysiz
Eng ulug' dargoh.
Buvijonim sizga
Sog'lik tilagum
Ezgu ish uchun-
Shaydur yuragim.

ONAMGA

Ko'zlarimni nurisiz
Yuragimning qo'risiz
Siz qalbim shuurisiz



Onajonim bor bo'ling
Mehrbonim bor bo'ling.
Shamol essa men tomon
Qalbingiz qilib qalqon
Kamolim tilab haron
Onajonim bor bo'ling
Mehrbonim bor bo'ling.

Shohida Mo'minova
Jizzax viloyati, Jizzax
tumaniga
qarashli
Po'lat Sobirov nomli
11-o'rta maktabning
6 «A» sinf o'quvchisi

Инсон ва табиат


ОМОНМИСАН, ШОХДОР ОНА БУГУ!

«Оқ кема»дан

«Бу воқеа жуда қадимда бўлиб ўтган. Замонларнинг замонида, ер юзида майсалардан кўра дов-дарахтлар кўп бўлган, қирғоқ ерлардан кўра обиҳаёт мўл бўлган даврларда бир қирғиз қабиласи улкан ва муздай дарё бўйида яшарди. Бу дарёни Энасой деб аташарди».

Бу эртақнинг бошланиши шундай. У анча йиллар муқаддам яратилган бўлса ҳам, бугун инсониятга, яхши-ю ёмонни елкасига ортиб бораётган она сайёранинг болаларига кўп нарса бера олади. Ёзувчи эртақни кечган даврдан, «Латасир замонларда қолмаган инсоннинг қимматидан ёхуд ана шу даврнинг иштирокчиси бўлган бир қирғиз қабиласи ҳаётидан бошлайди. Кунларнинг бирида ўрмонда галати қуш пайдо бўлиб қолди. У инсон овозига ўхшаш овоз билан тундан тонггача сайрар ва: « Катта бахтсизлик бўлади, катта бахтсизлик бўлади», - деб огоҳ этарди. Вақт ўтиб, қирғиз қабиласи бошига тушган бахтсизлик навбатдаги жанглardan бирида ҳалок бўлган буюк оқсоқол - Ботир Қулчининг ўлими эканлиги маълум бўлади. Қабил аҳли марҳумни дафн этиш учун тўпланади. Дафн этиш лозим бўлган тепаликда ёруғ жаҳоннинг тўрт томонини кўрсатмоқ учун ботирнинг жасади бош узра кўтарилди: «Мана сенинг дарёинг, осмонинг, еринг. Ҳаммамиз бир уруғ одамларимиз. Осуда ухла, биз сени кузатгани келдик». Афсуски, оқсоқолини тупроққа қўяётган қабилани бошқа бир қабил аҳлидан туриб кўзатётган, уларни сездирмай ўраб келаётган эди. Кўп ўтмай қирғин уруш бошланди. Шу ерда етганда ёзувчи бир улғу фикрни ўртага ташлайди: «Инсонни туғиш, ўстириш қанчалик қийин, ўлдириш эса ҳаммасидан осон». Минг азоб билан дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган онага арзимаган бир ўққа учраган ўғлининг ўлими алам қилмайдими? Шундай экан, нега у онанинг сочларига оқ ораламасин? Бировлар ўз қонига беланган, бировлар найзадан кутулиш ниятида ўзини Энасойга отаётган ва тўлқинлар орасида фарқ бўлаётган бир пайтда душманлар: «Бу ерлар энди бизники», - деб қувонишарди. Душман бой ўлжа билан қайтар экан, ўрмондан қўлсават учун пўстлоқ шилгани кетган бир ўғил ва бир қиз чиқиб келди. Бирор кишини

«Шохдор она бугу, Бекей холага шохингда бешик олиб кел. Утиниб сўрайман, шохдор она бугу! Уларда ҳам фарзанд туғилсин. Мен ҳаммаларини севаман».



тирик тополмаган болалар бўлаб, олисда кетаётган подаларнинг кетидан чопиб кетаверишди ва бир неча кундан кейин катта тантананинг устидан чиқишди. Бир неча кунлик йўлнинг ва очликнинг азоби болаларни шу даврага бошлади. Енгилмас қирғиз қабиласини ном-нишонсиз қириб ташладик, деб ўйлаган душман қабиласи қирғиз болаларини кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Уларни хоннинг ўтовига бошлаб келишди. Хон, Чўтир Баймоқ кампирни чақириб, уларни бу ердан тезроқ йўқотишни буюради. У болаларни ўрмонга олиб бориб, жарга итариб юбормоқчи бўлади ва:

- Агар балиқлар одамга айланиб қолса, уларга дарё ва денгизлар торлик қилади. Юлдузлар одамга айланиб қолса, осмон уларга торлик қилади. Бу болаларни олиб кет, Энасой. Булар бу манфур дунёмизни гўдакликда, тоза қалб билан, ёвуз ишлар билан ўз номига иснод келтиришга улгурмасданок тарк этишсин, - деб зорланади.

Бу - бировнинг изтиробни эвазига бахт топдиган инсонлар ва улар яшаётган даврга бўлган ёзувчининг нафрати эди. Шу пайт қаердандир

она бугу пайдо бўлиб, кампирдан болаларни унга беришини сўрайди. Кампир: « Булар одам боласи-ку, улар сенинг болаларингни ўлдиришди», -деб болаларни Шохдор она бугуга беришга унамайди.

- Булар менинг болаларим. Улар ўз ака-укаларини ўлдиришмайди, - деб жавоб қайтаради она бугу.

Лекин баъзилар ўзларида бугу меҳрисичалик меҳрлари йўқлигини ўша даврнинг ўзидаёқ исбот қилишди. Икки боласидан ажраган ва одам болаларини ўз сути билан боқаётган она бугуни одамлар таъқиб қиладилар. Унга ўқ ёғдирадилар. Лекин она бугу болаларга зарар етказмай, Иссиққўлга олиб келади. Орадан қатор йиллар ўтгач, болалар улғайишиб, турмуш қуришди. Бир куни кўл нотинчданиб, шовуллай бошлайди. Олисдан кўнғироқнинг жарангдор овози эшитилади. Шохдор она бугу уларга шохларида бешик келтирарди. Ота-она фарзандларини она бугу шарафига Бугубой, деб аташди. Шу тариқа Бугубой авлодлари юзага келади. Лекин одамлар ўз онасига хиёнат қилишди. Бугулар одамлар томонидан овлана бошланди. Шохдор она бугуга нима бўлди? У болаларидан ранжиб, баланд қояга чиқиб, Иссиққўл билан видолашибди. Кетиши олдидан, бу ерларга асло қадам босмайман, дебди...

Мана сизга эртақнинг қисқача мазмуни. Асар иштирокчиларининг фаолияти эртақ билан ўзаро узвий боғлиқ. Масалан, бола нима иш қилмасин, она бугудан мадад сўрайди. Унинг қачонлардир келишига ишонади. Эртақлар ҳамиша инсонни эзгуликка етаклайди. Инсон табиатнинг боласи эканлигини, унга фарзандларча муносабатда бўлмоқликни илгари сурган бу эртақ келажак авлод учун ҳам ибратли. Билингки, табиат ёвузликни сўймайди. Дунёни фақатгина эзгулик ва эзгу туйғуларгина асраб қолади. Зеро,

Тўқайга ўт кетса ёнғай бус-бутун,
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун
Ёвузликдан зада ҚҲРИҚХОНАдир.

Шухрат ОРИФ

Қариси бор уйнинг париси бор, дейишади. Уларнинг сўзлари маъноли, ҳаёт тажрибаларига қоришганлигини улғайган сари англайверарканмиз. Янги меҳмон, яъни жианчаларим оламга келганда бувамлар дуоларининг бошида «отали, онали бўлсин», ўз ота-онаси билан «қийнасин» деган гапни кўп ишлатардилар. Бу сўзларга оддийгина қарар эдим. Аммо яқинда Тошкентдаги 24- меҳрибонлик уйига келиб, у ердаги кичкинтойлар билан ҳамсуҳбат бўлганимда ушбу гаплар маъзини чақа бошладим. Моддий таъминот ўз йўлига, ота-оналик меҳри ўз йўлига экан. Бу ерда ҳамма нарса муҳайё, фақат бир нарса ноёб, бир нарса танқис. У ҳам бўлса ота-она меҳри, ширин сўзи. Мен бир-биридан ширин болалар билан суҳбат қилдим. Орзулари, ҳаёт тарзлари билан яқиндан танишдим. Улар ёш бўлишларига қарамай теран фикрли эканлар. Ўзини Бобур Ботирбеков деб таништираган ширингина йигитча ўз дўстлари ичида ажралиб турар экан. Бобурдан келажакда ким бўлмоқчисиз, десам у солдат

БОЛАЛАР УЙИНИНГ БОЛАЛАРИ

бўламан деди. Юртимни ҳимоя қилишни, оламда тинчлик бўлишини истайман. Кичкинагина юрагида Ватанга меҳр, юртига тинчлик тилашдек туйғулар ниш уриб улгурибди. Ким биларди, балки бу болакай ўз оиласи бағрида бўлганида, шу эзгу ниятларига қўшимча қилиб, ота-онамни катта бўлсам Маккатиллога олиб бораман, деб айтган бўлармиди? Бобуржондан ташқари бир қанча болалар билан ҳам танишиб олдим. Беш ёшли Фотима Аббосова исмли қизча келажакда чевар бўлмоқчи экан. Қизчага агар сизга «тилла балиқ учраб, тила тилагингни» деса, нима сўраган бўлардинг, десам у ҳеч



иккиланмай, тикув машинасини сўрар эдим, деган жавобни берди. Ҳа, қизча ҳаётдан, бу ердаги турмуш тарздан хурсандлигини айтди. Лекин шу миттигина вужуд кўзларига аллақандай мунг яширингандай. Гўё у менга «онамга айтинг, мени ўз бағрларига олиб кетсин» деяётгандек эди.

Хуллас, меҳрибонлик уйидаги болалар бошқа болаларга қараганда анча хаёлчангрок экан. Улар билан суҳбатлашиб ҳам суюндим, ҳам куюндим. Суюнганим - болалар ёшига нисбатан ақлли, сўзлари маъноли. Куюнганим сабаби эса шундай ажойиб гўдақлардан ўткинчи орзу ҳаваслар деб воз кечиб, улар кўнглини чўктирган ота-оналар ҳақидаги фикру-ўйлар бўлди.

Азиз «Тонг юлдузи» мухлислари! Тенгдош йигит-қизлар! Сизлар ҳам баъзан вақт топиб меҳрибонлик уйларига бориб туринг. Фикрингиз ойдинлашади. Ўз қалбингизда ҳаётингиз, ота- она бағрида кечаётган қувонч ва ташвишларингиздан шукр қилиб яшай бошлайсиз.

Мадина ШОСУЛТОНОВА.

УЙИМИЗДА УЙГУНЛИК БЎЛСИН!

(Хитойликларнинг уйда
яйраб яшашга шароит яратиш
борасидаги тажрибаларидан)

Шарқ ўзининг қадимий табобати, нафис санъати ва ажабтовур анъаналари билан ҳануз дунё аҳлини ҳайратларга солмоқда. Жумладан, Шарқ халқларининг табиат билан уйғунликда ҳаёт кечириш сирлари ҳамон очилмаган.

Унинг каратэ, икебана, орига, йог ва «Камасутра»си ортидан фэн-шуй деб аталмиш яна бир маънавий қадрияти шу кунларда жаҳоннинг кўпгина халқлари орасида эътибор топмоқда.

Фэн-шуй сўзи ўзбекчада «шалил-сув» деган луғавий маънони билдиради. Фэн-шуй том маъноси билан меъморчилик санъатига оид тушунча. Фэн-шуй табиат, атроф-муҳит билан уйғунлашиш санъати ёки у ҳақидаги фан дейиш мумкин. У уйни одамнинг кайфияти-табиатига мослаб лойиҳалаш йўл-йўриқларини ўргатади. Бу уйни уй соҳиби билан чин маънода дўстлаштиради, деб ишонади хитойликлар.

Фэн-шуйнинг бош шиори-ўзингни кўнглингдагидек шароит ярат. Агар

пулинг кўп бўлса, боғ-томорқали уй қурганга не етсин?! Аммо Хитойдек аҳолиси зич мамлакат халқи дунёнинг бағри кенг кўплаб мамлакатларида ҳам айниқса ҳовли-жой масаласида кўнгли тусаганини юзга чиқариб бўлмайди. Ахир «Кўнглини куйига кирсанг, кўнгли неларга бошлайди?!»

Хўш, у ҳолда фэн-шуй нимаси билан одамларни ўзига тортади?

Гап шундаки, одамга аслида кўп нарса керак эмас! У борини ҳам бордек қилиб жиҳозлаши, оддийгина чой ичиш жараёнини ҳам гўзал тадбир даражасига кўтаришига қодир. Шу сабабли ҳам ушбу саҳифамизда шаҳар ёки қишлоқда эканидан қатъий назар, ҳовлида ёки кўп қаватли уйда бўлишидан қатъий назар хонадонингизни жиҳозлашда турмушда асқотадиган айрим қоидаларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

МЕБЕЛНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Мебелларни «Г» шаклида ўрнатиш хонага расмий тус беради. Шунинг учун мебель бурчакларини журнал стули билан «ёпиш» зарур.

Болалар кровати учун айлана ёки овал шаклдаги кроватлар зарур. Кроват устидаги ёпиқ (пашшахона ёки чодир) фақат безак учун эмас, балки у болани ёмон қувватлардан асровчи қалқон ҳам.

Болалар хонасига нурни тепага-шифтга таратадиган қандил осган маъқул. Кўп вақтингизни ўтказадиган хона (жой) га нақшли мебель қўймаганингиз дуруст, чунки унга кўп назар тушган ва унда ёмон қувват кўп жамланиб қолган бўлади.

Кўзгу фақат унга қараб турган одам аксинигина кўрсатиши керак.

Унутманг, кўзгуда кўзга кўринмас ҳар хил нарсаларнинг излари, яхши-ёмон назарлар ўрнашиб қолади. Шунинг учун кўзгу ва дераза ойналарини тез-тез артиб, ювиб туриш зарур.



ТАРТИБ САҚЛАШГА ЎРГАНИНГ

Чанг уйнинг «ўпкаси» га тўлиб олади ва нафас олишни қийинлаштиради. Тартибсизлик уй ичига ёмон қувватлар оқими жойлашиб олишига имкон яратади. Ҳеч қачон кийимингизни стол ёки кресло суянчигига илманг, китобни дуч келган жойга ташламанг. Агар бирор буюм ёки кийимингиз энди сизга кераксиз бўлиб қолган бўлса, уни асраманг, яхшиси ундан воз кечинг. Вафот этган кишингиз (айниқса) касал бўлиб ўлган кишининг буюмлари оиладаги бошқа кишиларга ҳам касалини келтиради, шу сабабли бундай буюм ва кийимларнинг ҳам баҳридан ўтиш зарур.

Юқоридаги маслаҳатлар нисбий, албатта. Тўғри, улар фойдали, уларга амал қилиш ҳам қийин эмас. Бир қарашда бу қоидалар гўё Хитой халқига хос ирим-сиримга ўхшайди. Аммо бу «ирим» ларнинг ҳеч кимга зиёни йўқ. Аксинча, табиатда ижобий ва салбий қувватлар борлигини фан аллақачон тасдиқлаган. Зотан одам вужудида, унинг руҳиятида гармония (уйғунлик, мутаносиблик) мавжуд экан, у яшаб турган муҳитда ҳам гармония бўлиши шарт.


КИРИШ ЭШИГИ

Асосий қоидалар: Хона эшиги ё тўла очиқ ёки тўла ёпиқ бўлиши шарт. Агар бирор сабаб билан эшик тўла очилмайдиган бўлса, унинг рўбарўсига кўзгу қўйинг, шунда ярим очиқ ойнадан эшик ортидаги кенглик кўзга ташланиб туради. Ойна ўрнатилган эшикка ҳавас қилманг, чунки доим кўнглингиз нотинч туради: «синиб қолмасайди», «бир нимани уриб олмасайдим», «ташқаридагиларга кўриниб турибман» каби ўйлар ҳамиша сизни безовта қилади. Катта хоналарга каттароқ, кичик хоналарга кичикроқ эшик ўрнатилгани маъқул.

Ётоқхона, ваннахона ва ҳожатхоналар эшиклари доимо ёпиқ турсин. Энг муҳими-эшик гичирлашига йўл қўйманг. Бу уйдаги кишилар оромини бузиш билан бирга, умуман шинамлик, руҳий осудаликка раҳна солади. (Гичирлайдиган эшик ошиқ-маъшукларига маҳсус мой суртиш ёки кимёвий қора қаламни тарошлаб, кукунини сепаб қўйиш фойдали эканини эслатамиз.

ЯПРОҚЛАРИ ЯПАЛОҚ ЎСИМЛИКЛАР ХОСИЯТЛИ БЎЛАДИ

Ўсимликлар япроқлари қувват оқимини айлантриб ҳазм қилдиладар. Бундан ташқари, гуллар сизни табиат олами билан боғлаб туради. Хонада гулларни «огир» энергия манбалари-телевизор, компьютер ва бошқа техника билан ёнма-ён қўйган маъқул.



Фэн-шуйда таъкидланишича, уйда кактус ўстириш ярамайди, у ўз ниналари орқали ёмон қувват таратади. Хонада муҳаббат ва садоқат рамзи бўлмиш лола, бойлик рамзи бўлмиш қирққулоқ каби гулларни ўстирган маъқул.

ҚАЙТАРГИЧ

Кўшни уйининг ўткир қирраси деразангиз тўғрисида қараб қурилган бўлса, бу яхши эмас. Чунки иморат қуррасидан ёмон қувват таралади. Шунинг учун деразангизга (ё ичкаридан, ё ташқаридан) шундай бирор нарса осиб қўйингки, у ёмон қувватни ўтказмасин, ҳеч бўлмаса мўътадиллаштириб турсин. Аквариум, тувакларда гуллар, бамбук таёқчаси кўк ёки қора рангли бошқа бирор нарса ана шундай қайтаргич вазифасини ўтай олади.

Дарвоза пештоқи ва остоналарга, айвонга осиб қўйиладиган турли нарсалар шунчаки эрмак ёки дидсизлик белгиси эмас. Балки улар ҳар қандай ёт назарни ўзига қаратадиган нарсалардир.

Думалоқ ёки найсимон нарсаларни юмалатишга одатланинг, чунки улар ёмон қувватларни эзгилаб, майдалаб ташлайди.

ЎЧОҚБОШИ (ОШХОНА)

Ҳеч вақт музлатгич билан плитани ёнма-ён қўйманг. Газ ўчоқ билан эса идиш ювгични. Чунки сув билан ўт, иссиқ билан совуқ бир-бирига ёв. Улар бир-бирига салбий таъсир кўрсатади. Жуда бўлмаса, уларнинг орасига бирор тўсиқ (тунука ёки тахта) ўрнатиб қўйинг. Газ ўчоқни ҳеч қачон бурчакка ўрнатмаслик керак. Столни эшик ва дераза билан бир қаторга қўйманг. Ошхонага қиррали стол эмас, балки думалоқ стол қўйилгани дуруст. Имкон қадар юзаси сирланган жиҳозлардан нарироқ бўлинг.

АГАР КИШИ ЙЎЛАГИ ТОР БЎЛСА...

Бунинг ҳам чораси бор. Эшикнинг орқа томонига кўзгу ўрнатиш, шунда йўлак кенг кўринади. Ҳамма бурчакларни тенг ёриладиган яхши қандил ҳам йўлакни «кенг» кўрсатади. Тўғри, бу билан жой кенгайиб қолмайди, бироқ кенг кўчадан уйга киратганда йўлакда пайдо бўладиган номуаносиблик бир оз бўлса-да барҳам топади.

Саҳифани
Гавҳар ҚЎЧҚОРОВА
тайёрлади

ҚУМ КЕМАЛАРИ

Автомобиль ва сакилингунга қадар қум юрадиган карвонлар жоро кирган. Шунинг учун «қум кемалари» деб

Туяларнинг қумдаги учун энг аввало ўрқачлага эга.

Мана шу ўрқач бўшаб шакли ўзгарганидан ва бўлиб қолганидан билишчида ҳеч қандай суяк йўқ, ёғдан иборат.

Ўрқачларнинг энг асосий вазифаси— емишни узоқ муддатга сақлаш. Сайёҳ саёҳатдан бир неча кун аввал туяни кўп овқат ва сув билан боқади. Туя тўйгунча, ўрқачлари мойга тўлгунча, аниқроғи елкаси оша 45 кг. атрофидаги юкни ғамлайди. Бу ёғ захираси уни зим-зиё чўлдаги очликдан асрайди. Туя чанқоғини ҳам шу йўсинда қондиради. Саёҳатчи йўлга чиқишдан аввал унга 50 литрча сув ичишни таклиф қилади.

Туя сув ичишни истамаса, унга туз бериб чанқатадилар. Бу иш бироздан кейин ўз кучини кўрсатади.

Туяларнинг 3 та ошқозони бор. Биринчисида унда ҳазмга тайёр озуқа туради. Иккинчи ошқозонда овқат ҳазм қилувчи суюқлик туради. Учинчисида ҳазм бўлган озуқа бўлади.

Биринчи ва иккинчи ошқозон деворларида маҳсус сув тушадиган чўнтакчалар бўлади. Туя чанқоганида бу чўнтакчалар очилиб, чанқоғи қочади. Шундай қилиб туя олти кун, ҳатто юки оғир бўлмай секин юрса ўн кунгача сувсиз яшай олмайди.



молёт ихтиро барханлари ошанига фақат туялар ҳам туяларни бежиз аташмайди.

саёҳати ва яшашири муҳим аҳамият-

қолганини унинг териси халта-халта мумкин. Туя ўрқач У фақат мускул ва



КОБРА ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ МУСИҚАНИ СЕВАДИМИ ?


Азиз болажонлар ! Сиз кўп мартаба телевизор ёки кино орқали кобра номли илонни найнинг ёқимли садосига чайқалиб рақсга тушаётганини кўргансиз ва кобралар мусиқани жуда севар эканлар деб ўйлагандирсиз... Аслида эса, илон ўйнатовчи найни чалганида кобралар рақсга тушмайдилар, балки ўзларини рақсга тушаётгандек кўрсатиб, таналарини қимирлатадилар. Мақсад эса одамни чақишга тайёрланишдир. Илоннинг бу макрини яхши билган илон ўйнатовчи (най чалувчи) кобра чақиш учун сапчишга шай бўлиши билан уни қопнинг ичига тикиб юборади.

Кобра илони ҳақида. Кобра-энг заҳарли илон бўлиб, у ўз заҳарини ўлжасига тили, тиши, ҳатто туфлаб ҳам етказиши. Кобра илони заҳарли сўлакларини икки ярим метргача туфлаши мумкин. Кобра ўлжаларини кўпинча кўзидан чақади, ўлжа ҳеч нарсани кўра олмагач, кобра уни ея бошлайди.

«Кобра» сўзи португалча бўлиб, «илон»- деган маънони англатади. Португаллар кобранинг боши шляпага ўхшаганлиги учун уни «кобра де капелло», яъни, «шляпали илон» деб ҳам аташади.

Кобра заҳарли илон бўлишига қарамай, у Ҳиндистоннинг рамзи ҳисобланиб, ҳинд халқи кобрани «покизалик», «муқаддаслик» рамзи деб билишади. Кобра Ҳиндистоннинг ботқоқли чангалзорларида, тоғларида, чой ва кофе плантацияларида яшайди. Ҳатто Ҳиндистонда ҳар йили илонларга атаб, маҳсус байрам ўтказилади. Байрамда одамлар ибодатхоналарга илонларни келтириб, уларга сават-сават бананлар, кокос ёнғоғи, пиширилган гуручларни қурбонлик сифатида берадилар.

Инглиз тилидан
ШОҲРУҲ КАРИМБЕКОВ
таржимаси,
ТошДШИ, 3-курс талабаси.



Оромгоҳга келган болалар Алишерни танимас эдилар. Алишер ҳамма болаларни атрофига йиғиб, ўзини мақтай бошлади. У ўзини шунчалар мақтади-ки, барча болалар уни ҳамма фанлардан билимдон деб ўйладилар ва Алишерга алоҳида эҳтиром билан қарадилар. 200 метрликка югуриш бўйича мусобақа ҳақидаги хабар оромгоҳда тезда тарқалди ва буни эшитган болалар дарров Алишерга етказдилар. Шунда Алишер болаларга деди: Эҳ, болалар, мени шамолдек югуришимни кўрганларингда эди...

Мана, мусобақа кунлари ҳам яқинлаша бошлади. Лекин кунларнинг биринда оромгоҳда нохуш хабар ҳаммани ачинтирди: «Алишернинг оёғи машқ қилаётган пайтда қайрилиб кетибди ва ҳозир оёғи оғрипти. Энди у мусобақада қатнаша олмайди».



МАҚТАНМА ҲОЗ...

Тушлик Алишернинг ҳақида суҳбат маҳал бир роғи чалиниб кўнғироқ овозна томон югукўрган болалар бўлиб қолдиболалардан деди: «Унинг оёғидаги оғриқ ноўрин бўлган»

Бир неча оромгоҳда «Кўшиқ бақаси ўтказиқилинди. Боласобақани катта қизиқиш билан кутдилар ва бунда Алишер биринчи ўринни олишига ишондилар. Чунки Алишер бир қанча «Кўшиқ» фестивалларида қатнашганини ва унда биринчи ўринни қўлга киритиб, тақдирномалар олганини болаларга айтган эди.

Мусобақа кунини яна бир хабар оромгоҳда тарқалди: «Алишер совуқ сув ичганидан томоғи оғриб қолибди. Энди у мусобақага қатнаша олмайди».

Ҳамма болалар бу хабарни эшитиб афсусландилар. Алишер ҳам дўриллаган овозда деди: «Агар совуқ сув бу балони бошимга олиб келишини билганимда, асло ичмаган бўлар эдим. Энди мусобақага қатнаша олмайман. Мен бундан жуда ачинапман».

«Ашула куйлаш» мусобақасидан 2 кун ўтди.

вақтида, болалар оёғининг оғриғи қилаётган эдилар. Шу марта тушлик кўнғиқолди ва Алишер зини эшитиб, ошхориб кетди. Буни хайронлар ва бири



г ў ёдек-а?»

кундан кейин айтиш» мусолиши эълон лалар бу мусобақани катта қизиқиш билан кутдилар ва бунда Алишер биринчи ўринни олишига ишондилар. Чунки Алишер бир қанча «Кўшиқ» фестивалларида қатнашганини ва унда биринчи ўринни қўлга киритиб, тақдирномалар олганини болаларга айтган эди.

Болалар Алишернинг ёқимли куйлашини эшита олмаганларидан афсусландилар.

Бир-икки кундан сўнг сузиш бўйича мусобақа ўтказилиши барча болаларга маълум бўлди. Бу мусобақа тез кунлар ичида бўлиб ўтиши туфайли Алишер мусобақада қатнашмаслик учун ҳеч қандай баҳона топа олмади ва ноилжликдан мусобақа рўйхатига ёзилди.

Болалар Алишерни мусобақада қатнашишини эшитиб хурсанд бўлиб кетдилар ва шу кунни сабрсизлик билан кутдилар. Чунки Алишер «Мен сувда худди балиқдек сузаман», деган эди.

Мана, мусобақа онлари ҳам етиб келди. Сузувчилар ҳовуз бўйига тўпланиб, бир қатор тизилдилар ва ҳакамнинг буйруғи билан сувга сакрадилар. Болалар тезлик билан сузардилар, лекин Алишер суза-суза зўрға ҳовузнинг ўртасига етиб келди. Тўсатдан, ҳовуз ўртасидаги сувнинг тез оқими уни оқизиб кетди. Алишер бошқа суза олмаётганлигидан бақирди:

«Вой, ёрдам, ёрдам, чўкаяпман!»

Болалар Алишернинг овозини эшитиб, мусобақадан воз кечдилар ва ёрдамга келиб, уни сувдан қутқариб олдилар, лекин унинг ёлғон билан топган обрўсини қутқара олмадилар.

Алишернинг обрўси бир умрга ҳовуз суви билан чўкиб кетди.


Форсчадан ТошДШИ талабаси
Нигора Мирзамухаммедова
таржимаси қилди.

БОШҚОТИРМА

«Бошқотирма»нинг жавоби:

Соат мили йўналишида: 1. Камалак. 3. Алла. 4. Илон. 5. Капалак. 7. Март. 9. Торт. 10. Помидор. 13. Реклама. 15. Амал. 20. Ўрда. 25. Ботинка. 27. Қаср.

Соат милига тескари. 2. Сабр. 6. Ипак. 8. Нарх. 11. Пода. 12. Хола. 14. Икар. 16. Орол. 17. Жала. 18. Йўлбарс. 19. Овул. 21. Трамвай. 22. Етти. 23. Айри. 24. Икра. 26. Атир. 28. Далатоб.



1-11	3-12	1-5	1-2	2-4	1-8
2-1	2-7	3-3	2-1	1-2	-
3-6	1-2	1-5	3-6	1-2	1-5
1-2	2-4	1-8	2-1	2-7	3-3
2-1	1-2	-	2-10	2-7	3-9

РАҚАМЛАР ЁРДАМИДА

Азиз ўқувчилар!

Тасвирнинг остки қисмидаги рақамлар жуфтлигида XI асрда яшаб ижод этган донишманд ижодкор Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб икки мисра ҳикматли сўз яширинган.

Тасвирнинг юқори қисмидаги айланалардаги ҳарфлар билан алмаштириб, бўш хоналарга ёзиш билан жумбоқни ҳал этинг.

Фозилжон ОРИПОВ.

НОН ҚАДРИ

Ҳар бир халқ ўз урф-одатлари, қадриятлари билан ажралиб туради. Бунга улар истеъмол қиладиган таомларни ҳам киритиш мумкин. Ҳар бир халқнинг ўз миллий таомлари бор. Бу миллий таомлар ўзига хос тайёрланади ва қадрланади. Бизнинг мамлакатимиздаги юртдошларимизнинг бошқа мамлакатлардагидек қурбақага тоблари йўқ. Францияда бўлса қурбақа тансиқ таом ҳисобланади. Баъзилар сутсиз овқатни тасаввур ҳам қила олишмайди, кимларгадир сут ҳуш келмайди. Монгол, тибетлар балиқни оғзиларига ҳам олишмайди.

Таом мазаси ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Дунёда нозунематлар кўп. Лекин бир емак борки, уни барча ер юзидаги инсоният истеъмол қилади. Бу-НОН. У хилма-хил кўринишда, турли маза-

да бўлади. Одамлар нон ёпишни ўрганиб олгунларига қадар, бугдойни янчиб, бўтқалар пишириб келишган, лекин бўтқани узоқ сақлаб бўлмайди. Кейинчалик хамир қориб, уни ошириб, нон ёпишадиган бўлишди. Ҳозир ҳам бугдой нонини Кавказ, Осиё, Италия,

Испания, Ирландияда байрам дастурхонларига пиширишади. Қадимда оширма хамир шифобахш ҳисобланган. Бунақа нон тайёрлайдиган нонвойлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бўлишган. Ўрта асрда Европада нонвойни ўлдирган бошқа одамларни ўлдирганларга кўра катта миқдорда жарима тўланган.

Нон риск-рўзимиз. Уни шу ҳолга келгунича жуда кўп меҳнат кетади. Нонни асраб авайлашимиз керак.

Гулнора АҲМЕДОВА тайёрлади



ИҚТИСОДИЁТ ҲИСОБИНИ ЎРГАНАМИЗ

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Агар Америка доллари 1,15 Канада долларига тенг бўлса, у ҳолда Канада доллари қанча Америка пули бўлади?

2. Агар дастлабки йили 5 фоиз ва кейинги икки йилининг ҳар бирида 10 фоиздан солиқ солинган бўлса, у ҳолда шу уч йил давомида ҳаммаси бўлиб неча фоиз солиқ солинган?

3. Агар ярим йўлни сиз автомобиль билан соатига 30 милл тезликда, қолган ярмини соатига 50 милл тезликда босиб ўтган бўлсангиз, у ҳолда барча йўлни қандай ўртacha тезликда босиб ўтган бўласиз?

4. Баъзи одамлар кечқурун печкани ўчириб қўйган маъқул, шунда камроқ ёқилғи сарф бўлади, дейишади. Бошқа бирлари эса бундай қилиш бефойда, барибир эрталаб уйни қайта иситиш учун қўшимча ёқилғи сарфлашга тўғри келади, деб уқтиришади. Уларнинг қайси бири ҳақ? Нима учун?

5. Агар қандайдир давлатнинг аҳолиси

йилига 2 фоиздан ошиб борса, у ҳолда унинг аҳолиси 35 йилда икки баровар кўпайишини кўрсатинг.

6. Сиз 27 ёшингизда 500 доллар пулингизни йилига 9 фоиз фойда берувчи шахсий нафақа ҳисобига қўйдингиз. Орадан 5 йил ўтгач, зарурият туфайли ўз жамғармангизни қайтариб олдингиз. Шу давр ичида сизни 25 фоиз даромад солиғи тўловчилар гуруҳига тааллуқли деб олсак, у ҳолда, қўлингизга қанча жамғарма тегади?



Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
“Ijod dunyosi”
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида офсет усулида 39092 нусхада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма - К-7794
Газетани PENTIUM-II тpx компютерида Абдухамид АБДУҒАФФОРОВ саҳифалади.
Навбатчи:
Феруза ОДИЛОВА

Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34